ИСЛОМДА СУННИЙЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ СУННИЗМА В ИСЛАМЕ

THE HISTORY OF THE FORMATION OF SUNNISM IN ISLAM

Калит сўзлар: *ал-жамоа, ал-гураба, саводу-л-аъзам, ал-асар, ас-салаф, ал-ҳанифия, аҳлу-л-ҳадис, аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа.*

Ключевые слова: *аль-дажама`, аль-гураба, савадуль-а`зам, аль-асар, ас-салафия, аль-ханифия, ахлу-ль-хадис, ахлу-с-сунна ва-ль-джама`.*

Keywords: *Al-dajama`, al-ghurab, savadu-l-a`zam, al-asar, al-salafiya, al-hanifiya, ahlu-l-hadis, ahlu-s-sunna va-l-jama`.*

Исломдаги йўналиш, оқим ва мазҳаблар тарихига назар ташланса, хорижийлик, шиалик, муътазиланинг вужудга келиши ҳамда уларнинг эътиқодий қарашлари борасида табақотчи, тарихчи ва илоҳиётчи олимлар ўз асарларида кўплаб маълумотлар қолдирганлар.

Аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа, яъни суннийлик ибораси билан машҳур бўлган йўналишнинг мазҳаб мактаблари ҳамда уларнинг асосчилари ҳақидаги маълумотлар талайгина бўлсада, аммо вужудга келиши ва айнан шундай номни олишга сабаб бўлган омиллар борасида хабарлар у қадар кўп эмас. Аввал бошидан шу атама билан номланганми ёки бошқалари ҳам ишлатилганлиги борасида қатор фикрлар билдирилган.

Инсонлар орасида исломга эътиқод қилувчи кишига нисбатан қўлланиладиган атама борасида савол туғилади, нега биз ўзимизни турли номлар билан аташимиз керак, ахир Қуръоннинг «Ҳаж» сурасида Аллоҳ: «(Аллоҳнинг) **Ўзи сизларни илгари** (муқаддас китобларида) **атагандек мана шу** (Қуръон) **да ҳам мусулмон деб атади**» деб айтаяпти-ку дейишади [16:341].

Бу ҳақиқатда ўринли савол. Саҳобалар даври ўтиши билан Пайғамбар айтган сўзлар: «*Менинг умматим 73 фирқага бўлиниб, уларнинг орасида биттасидан бошқа ҳаммаси ўтда бўладилар*» [4:4, 381–382] амалга ошди ва мусулмонлар турли гуруҳларга бўлиниб кетишди ва уларнинг барчасини, ҳақиқатда (диндан чиқиб кетганлари бундан мустасно) мусулмон деган ном билан атамасликка далолат йўқ. Али ибн Абу Толибнинг халифалиги даврида хорижийлик гуруҳи, кейинчалик шиа йўналиши, ундан сўнг муътазила вакиллари вужудга келди ва улар санаб ўтилган номларни ўзларига олдилар ҳамда ҳар бирлари ҳақ йўлда эканлигини исботлашга тушдилар.

Аммо Пайғамбар томонидан айтилган ҳадисга асосланадиган бўлинса, шу гуруҳлар ичида битта ўтдан омонда қолувчиси бошқаларидан ажралган ҳолда бир муайян ном билан аталиши керак бўлди. Бунга сабаб, Пайғамбар юқорида 73 фирқа ҳақидаги ҳадисини айтиши билан бир қаторда мусулмон номига эга эканликларига қарамасдан ўтда бўлишлари мумкин бўлган фирқаларнинг номларини ҳам эслатиб ўтганлар. Масалан, «*Хорижийлар – ўтда яшайдиган итлардандир*» [1:61]. Ёки «*Қадарийлар бу умматнинг мажусийлари (ўтга сиғинувчилари), агар улар касал бўлсалар, уларни зиёрат қилманглар, агар вафот этсалар, улар учун дуо қилманглар*» [3:587] бунга мисол бўла олади.

Бу ҳадислар матни мусулмон умматини адашган ва ҳақ йўлда бўлганларига ажратяпти. Шунингдек, ҳақ йўлда бўлган деб ҳисобланган мусулмонларни номлашга қўлланадиган ибораларни нотўғри ишлатишда ҳам ўзига яраша чегаралар бор. Яъни, Пайғамбар ўзи номлаган атамалардан бошқасини қўллаш сунний уламоларнинг фикрига кўра, бидъатга етаклаши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган маълумотлардан келиб чиқиб, Пайғамбар унга ҳақ йўлда эргашган мусулмонларни қандай номлар билан атаганини қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқиш мумкин:

Ал-Жамоа. Пайғамбар ўзининг кўпгина ҳадисларида «жамоа» иборасини ишлатиб: «*Жамоада бўлинглар ва ажралиб қолишдан сақланинглар! Дарҳақиқат, шайтон бир киши билан бирга, икки кишидан ўзини олиб қочади. Ва ким жаннатнинг ўртасида бўлишни хоҳласа жамоатга эргашсин*» [4:4, 38] деганлар. Олимлар далилларга асосланиб «ал-жамоа» иборасининг шариатдаги тушунчасини 3 та асосга бориб тақалади деб фикр билдиришган ва далиллар билан асослашган. Биринчиси – ҳақиқатга эргашиш. Бунга далил сифатида олимлар Ибн Масъуднинг: «Эй Амр ибн Маймун! Дарҳақиқат, аксар жамоалар муҳаққақ «ал-жамоа»га хилофдир, ваҳоланки, жамоа – бу, бир ўзинг бўлган тақдирингда ҳам ҳақ йўлда бўлишинг!» деб айтган сўзларини келтиришади [8:46, 409].

Мақолада суннийлик номи билан танилган «аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа» йўналиши ва унга берилган номларнинг шаклланиши босқичлари ёритилган. Жумладан, унда Пайғамбар Муҳаммад ўзига эргашганларга нисбатан қандай ибораларни қўллаганлиги борасида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Пайғамбар кўрсатмаларига эргашган мусулмонларнинг хусусиятлари исломнинг асосий манбаларини таҳлил қилиш орқали тавсифланган.

В статье освещаются этапы формирования и наименования направления «ахлу-с-сунна ва-ль-джама`» в исламе, которая более известно как суннизм. В частности, в ней приводятся информации о терминах, которыми Пророк Мухаммад называл своих праведных последователей. Кроме этого, анализируются первичные источники ислама в которых описываются отличительные черты мусульман, следующих завещанию Пророка.

The paper highlights the stages of the development of the direction «Ahl al-Sunna wa al-Jama`a» known as Sunnism in academic societies in Islam as well as the various names given to this direction. In particular, the paper gives information about the terms, which the Messenger Muhammad (PBUH) applied to his righteous followers. In addition, the characters of the followers of the Messenger Muhammad (PBUH) were explained based on the main sources of Islam in the paper.

Иккинчиси – мусулмонларни бирлаштирган мусулмон раҳбар бошчилигидаги жамоада бўлиш. Ибн Асокир «Фатҳу-л-барий» асарида Ибн Жарир Табарийнинг сўзларини келтиради: «Жамоага эргашиш лозимлиги – бу, унинг атрофида мусулмонлар жам бўлган раҳбарга бўйсунишни англатади. Кимда ким унга бўйсунмаса жамоа сафидан чиқади» [11:13, 41]. Учинчиси – жамоада бўлган олимларга эргашиш. Абу Исо Муҳаммад Термизий: «Илм аҳллари жамоатни шарҳлаб, бу фиқҳ, илм ва ҳадис аҳллари деганидир», дейди [4:4, 40]. Юқорида уч асос ҳақида келтирилган маълумотлар, ҳақиқатни тўғри талқин қилиб берувчи олимларга эргашган ҳолда, мусулмонларни бирлаштирган раҳбар бошчилигидаги жамоада бўлишни тақозо қилади. Бугунги кунда баъзи бир шахслар «ал-жамоа» иборасининг шаръий маъносини нотўғри талқин қилиб, мусулмонларни бирлаштирган раҳбар остида эмас, балки ўзлари шакллантирган қонун ва қоидаларга асосланган партиялар тузиб, уни жамоа дейишга ўтганлар. Бундай ҳоллардан огоҳ бўлиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ал-Ғураба (ғариб – бегоналашиш). Бу номни Пайғамбар ўз ҳадисларида ҳам ишлатган. Абдуллоҳ ибн Амр айтади: «Пайғамбаримиз бизнинг орамизда эдилар ва: *«Туба ғариблар учун»* дедилар. Биз: «Бу ғариблар кимлар?» дедик. Улар: *«Ёмонлик ичра қолган кўп сонли инсонлар орасидаги кам сонли ҳаққоний (тақводор) гуруҳда бўлган инсонлар. Уларга эргашувчилардан кўра, уларга қарши чиқувчиларнинг сони кўп бўлганлардир»*, дедилар [10:3, 574]. Пайғамбардан «туба» нима эканлиги ҳақида сўрашганда у: *«Туба – жаннатдаги узунлиги 100 йиллик масофага эга бўлган дарахт»* деб жавоб берганлар [7:1229]. Бу далиллардан кўриниб турибдики, ҳар доим ҳам кўпчилик дегани ҳақиқатни англатавермайди, балки ҳақиқатнинг ўз талаблари мавжуд. Қуръоннинг «Нисо» сурасида бу борада: «**Кимга <u>ҳидоят аниқ бўлганидан кейин Пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминлар йўлидан ўзгасига эргашса</u>, Биз уни ўзи кетаётган йўлига қўйиб берамиз ва** (охиратда) **уни жаҳаннамда куйдирамиз. Нақадар нохуш жой у!**» дейилган [16:97]. Оятдан маълум бўлаяптики, ҳидоят (ҳақиқат, ҳақ йўл) – бу Пайғамбар ва унга эргашган мўминлар йўли. Оятнинг далили сифатида Пайғамбарнинг: *«Дарҳақиқат, сизлардан бирон-бирингиз узоқ умр кечирса, кўплаб ихтилофларни кўради. Шунинг учун сизларга менинг суннатимни ва ҳидоят (ҳақиқат) йўлида бўлган хулафои рошидиннинг суннатларини ушламоқ лозим бўлади. Бу йўлни озиқ тишинглар билан маҳкам ушланглар ва бидъат (янги йўл, усул) дан қочинглар, негаки ҳар бир бидъат адашишдир!»* [3:578] деган сўзларини келтириш мумкин.

Саводу-л-аъзам ёки ал-Фирқату-н-нажия. Ушбу иборани ҳам Пайғамбар ўз ҳадисларида ишлатган. *«Яҳудийлар 71 фирқага, насронийлар эса 72 фирқага бўлинадилар. Ва менинг умматим 73 фирқага бўлинадилар. Шундан 72 таси ўтда, биттаси жаннатда бўлади»*, дедилар. Саҳобалар сўрашди: «Ким ўша (ўтдан) қутулган гуруҳ?!» Пайғамбар: *«Бу – ал-жамоа»*. Бошқа нақлдаги ҳадисда: *«Бу – саводу-л-аъзам»* дейилган. «Ал-Жамоа» ва «Саводу-л-аъзам» ибораларини яна бир бошқа ривоятдаги ҳадис изоҳлаган [2:77–78].

Абу Ҳанифа унга нисбат берилган «ал-Фиқҳу-л-абсат» асарида Пайғамбардан ҳадис келтириб, «Саводу-л-аъзам» номини эслаб ўтади [6:19а]. Бу номда ҳам урғу ҳақиқатда бўлган кўпчиликка (жамоа) қаратилаяпти.

Ал-асар (из, пой). Мазкур номни ҳам Пайғамбар ўз ҳадисларида ишлатганлар. Кунларнинг бири-

да Пайғамбардан сўрашди: «Эй Аллоҳнинг расули, инсонларнинг орасида энг яхшиси қай бири?» У киши: *«Мен ва мен билан бирга бўлганлар»,* дедилар. Яна сўрашди: «Ундан кейин ким?» *«Асарга (изимизга, пойимизга) эргашганлар»* деб 3 марта айтдилар [10:4, 340].

Бу ҳақда Ибн Масъуд: «Бизнинг изимиздан (ал-асар) юринглар, янгилик тўқиманглар, Сизларга (бизни йўлимизда бўлиш) шуни ўзи етади», деган [17:36; 14:590]. Бу атама Пайғамбар саҳобаларининг тутган йўлларидан юришни тақозо қиляпти.

Ас-салаф (ўтмишдагилар, аждодлар). Салаф иборасини луғавий нуқтаи назардан умматнинг ичида биринчи бўлиб Пайғамбар ишлатганлар. Яъни, ўз қизи Фотимага мурожаат қилиб: *«Мен сен учун энг гўзал салаф (аждод)дирман»* деганлар [7:1078]. Бу атамани саҳобалар ҳам ўзларига нисбатан ишлатиб, Абдуллоҳ ибн Аббос Маймунага: «Эй Маймуна, салафлар (саҳобалар)ни сўкмагин, шунда сен жаннатга саломат ҳолда кирасан», деган. [8:61, 349]

Ал-Ҳанифия. Ушбу атама борасида Пайғамбардан сўрашди: «Аллоҳнинг энг суйган дини қайси?» У киши: *«Яккахудолик (ҳанифия) бўлган енгил дин»* деб жавоб бердилар [10:2, 86]. Ўз ўрнида ҳанифияни ҳанафия фиққий мактаби билан адаштирмаслик керак. Ҳанифия ибораси борасида Қуръонда (Оли Имрон, 67) пайғамбар Иброҳим ҳақида маълумот кетиб, уни яҳудий ҳам эмас, насроний ҳам эмас, балки ҳанифа муслимларидан деган хабар берилади.

Аҳлу-л-ҳадис. Бу ибора борасида Пайғамбар: *«Бу илмларни ҳар битта авлоддан ғулувга кетувчиларнинг бузишларини, адашганларнинг қўшимча қилишларини ва жоҳилларнинг изоҳларини кетказувчи «муносиблари» олиб юрадилар»,* дедилар [9:29; 8:7, 39].

Пайғамбарнинг «муносиблар» деган иборасини тобеинлардан Суфён Саврий шарҳлаб: «Фаришталар осмоннинг қўриқчилари, аҳлу-л-ҳадислар» эса ернинг» деган [9:44]. Хатиб Бағдодий ўзининг «Шараф асҳаби-л-ҳадис» асарида Пайғамбарнинг «аҳлу-л-ҳадис»ни таърифлаганлиги борасидаги ривоятни келтирди [9:22].

Аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа. Иборанинг қўлланишига асос сифатида олимлар Пайғамбарнинг: *«Ҳақ йўлда бўлмиш мени ва мендан кейинги ҳақ халифаларнинг суннатини (йўлини) тутинглар»* деган сўзларини далил қилиб олишади [3:578; 4:4, 408]. Биринчи бўлиб тобеинлардан Муҳаммад ибн Сиррин (653–729) бу иборани қўллаган. Ибн Сиррин: «Исломнинг дастлабки йилларида ҳадис иснодлари ҳақида сўралмас эди. Аммо фитналар пайдо бўлгач, ҳадисларни бидъат эгаларидан эмас, балки аҳлу-с-сунна вакилларидан қабул қилиш мақсадида иснод ҳақида сўраш бошланди», дейди [15:35–36].

Иккинчи ҳижрий аср (саккизинчи милодий)га келиб турли хил оқимлар кўпайгандан сўнг суннийларнинг олимлари уларнинг наздида бидъатчи саналган вакиллардан фарқланиш учун «Аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа» ва «Аҳлу-л-ҳадис ва-л-асар» ибораларини қўллашни бошлашди [12:31]. Юқорида келтирилган барча атамалар Пайғамбар ва унинг саҳобалари тутган йўл (суннат)га эргашиш асосида турли гуруҳларга бўлинмаган ҳолда бир жамоада бўлишга чақирувчи номлар эканлигини кўриш мумкин.

Ислом халифалиги кенгайган сари унинг турли ҳудудларига саҳобалар диний илмларни етказиш мақсадида халифалар томонидан юборилдилар ва улар кейинчалик кўчиб ўтган масканларидаги аҳолига ўзларидаги мавжуд билимларни улаша бошлашди. Ақидавий масалаларда саҳобалар орасида бир-бирига зид келувчи фикрлар бўлмаган бўлсада, фиққий масалаларда ижтиҳодга ўрин бор эди ва табиийки бирон-бир амалий фаолиятдаги қарашларда Қуръон оятлари ҳамда Пайғамбардан эшитилган ҳадисларга изоҳ беришда турли ёндашувлар мавжуд эди. Бу ёндашувларнинг ҳар бири илоҳий манбаларга асосланганлигини кўриш мумкин. Саҳобалардан илмларни уларга эргашган тобеинлар, сўнгра табаа-т-тобеинлар (тобеинларга эргашганлар) эгаллашиб тарқата бошлашди.

Исломда турли йўналиш, оқим ва фирқалар пайдо бўла бошлагач, тобеинлар олаётган илмлари ҳамда эшитаётган хабарларига ёлғон ёки тўқилган гаплар кириб қолмаслиги мақсадида ишончли шахслардан бўлишига эътибор қарата бошлашди.

Юқорида Ибн Сиррин айтгандек, саҳобалар тириклик вақтида уларнинг ишончли эканликларига ҳеч ким шубҳаланмас эди, аммо уларнинг даври ўтиб, турли хил фалсафий қарашлар кириб кела бошлагач, ҳадисларни бидъат эгаларидан эмас, ишончли шахслардан қабул қилиниши учун ушбу инсонларнинг шахси (санад, иснод) ўрганила бошланди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, саҳобалар даврида ислом шариатига эътиқод қилган барча инсонларга фақат бир атама, яъни мусулмон номи билан мурожаат қилинган. Ўз ўрнида Пайғамбар умматни келажакда пайдо бўладиган баъзи гуруҳ ва оқим-

лардан уларнинг номларини айтган ҳолда огоҳлантирдилар. Шу билан бир қаторда ўзи ва саҳобалари тутган йўл асосида бир жамоада бўлувчиларнинг номларини ҳадисларда билдириб кетдилар. Ислом эътиқодига турли янгиликларни киритишга уринган гуруҳ ва оқимлар вужудга кела бошлагач, Пайғамбарнинг кўрсатмасига риоя этган тобеинлар у ишора қилган номлардан умуммаъно ташувчи ва аксар ҳолларда қўлланадиган асосий атамани ўзларига нисбатан қўллай бошлашди.

Тобеинлар даврининг ўзидаёқ қабул қилинаётган илоҳий хабарлар ишончли шахслардан эканлигини тасдиқлаш учун иснод (санад) тушунчасини ва ислом эътиқоди ва амалиётига тааллуқли бўлган усулларни ишлаб чиқа бошлашди. Усулларни ишлаб чиқиш вақтида мустақил равишда ҳукм чиқара олувчи мужтаҳидлар вужудга келишди. Аммо уларнинг барчаларини ҳам олиб борган усулларини давом эттирувчи ва тарқатувчи шогирдлари бўлмади. Натижада суннийларда 4 мазҳаб (мактаб) вакиллари сақланиб қолди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа. Сунан. – Қоҳира: Дор иҳяи-л-кутуби-л-арабия, 1954.

2. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ибн Аби Асим. Ас-Сунна. – Ар-Риёз: Дору-с-самийъий, 1998.

3. Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъаб Сижжистоний. Сунан Аби Довуд. – Ар-Риёз: Дору-л-хазарот, 2015.

4. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. Ал-Жомеу-л-кабир. – Байрут: Дору-л-ғарби-л-исломия, 1996. – Ж.4.

5. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб Жавзжоний. Аҳолу-р-рижол. – Байрут: Муассасату-р-рисала, 1983.

6. Абу Ҳанифа. Фиққу-л-абсат // Қўлёзма. Шайх Ориф Ҳикмат кутубхонаси. – Мадина. – № 80/234.

7. Абу-л-Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳ Муслим. – Ар-Риёз: Дору-с-салом, 2000.

8. Али ибн Ҳасан Ибн Асокир. Тарих мадина Димашқ. – Байрут: Дору-л-фикрия, 1995. – Ж.7, 46, 61.

9. Аҳмад Али Собит Хатиб Бағдодий. Шараф асҳабу-л-ҳадис. – Анқар: Куллияту-л-илаҳия, 1969.

10. Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснаду-л-имом Аҳмад ибн Ҳанбал. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1971. – Ж.2, 3, 4.

11. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳу-л-барий би шарҳ саҳиҳ Бухорий. – Ар-Риёз: Мактабату-л-малик фаҳду-л-ватания, 2001. – Ж.13.

12. Бакр ибн Абдуллоҳ Абу Зайд. Ҳукму-л-интимо ила-л-фирқа ва-л-азҳаб ва-л-жамоати-л-ислами. 1990. Нашриёти кўрсатилмаган.

13. Бакр ибн Абдуллоҳ Абу Зайд. Ҳумум-л-интимоъ ила-л-фирақ ал-азҳаб.

14. Вакъи ибн Жарроҳ. Китабу-з-зуҳд. – Мадина: Мактабату-д-дор, 1984.

15. Иброҳим ибн Яъқуб Жузжоний. Аҳволу-р-рижол. – Байрут: Муассасату-р-рисала, 1983.

16. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: ТИУ, 2012.

17. Муҳаммад ибн Ваддоҳ Қуртубий. Ал-Бидау ва-н-наҳйи анҳа. – Қоҳира: Мактаба ибн Таймия. – 1995.

Xabibullo SAGDIYEV,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi «Islom fanlari» kafedrasining dot.v.b., PhD